

СЎНГГИ
МАРРА

(Репортаж)

Атроф оппоқ қор. Совуқ. Лекин бу ерда ҳаёт қайнайди. Бинокорлар ўз «пост»ларида совуқни писанд қилмасдан ғишт термоқдалар, бетон ётқизмоқдалар. Бунга улар кўнгиб қолган. Қишлоқ-қировли қуларда шу бинолар пойдеворига биринчи ғиштни қўйишган эди. Саратон жазирамасида ҳам қурилиш майдонидан кетишмади. Суръат ўсгандан ўсиб борди.

Мана, бугун қурилиш майдонидан ғишт пролётлар кўкка марур бўй чўзиб турибди. Минора кранларнинг сўнги бор сигналлари эшитилапти. Бинокорлар сўнги хужумга отланган.

Бригадир Эркинбой Турдиқулов ўз йиғилари орасида, нима бор, нима йўқ — ҳаммасига кўз-қулоқ. У частка бошлиғи Мирёкуб Мирхондоров олдига чопади. Аллақачон қўнғирқоқ қилади. Бетон сўрайди, ғишт, электрод топади. Яна участкага қайтиб, ишнинг сифатини кўздан кечиради. Ҳар кун шундай. Унинг гиними йўқ. Қурилишда сўнги ишлар бажарилапти, сўнги объектлар фойдаланишга тахт бўлапти. Яна бир зўр берилса, Тошкент чини ишлаб чиқариш корпорацияси фойдаланишга топширилади.

Шу объектлар фойдаланишга топширилса, корхона йилга 70 миллион сўмлик маҳсулот бери босилади. Хозирги кунда ҳамма бир тав, бир жон бўлиб, шу қурилиш қилиштириш учун шижоат кўрсатмоқда. Бу курашда Эркинбой Турдиқулов бошлиқ комплекс бригада аъзолари бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

12-трестга қарашли «Тошкент» механизациялашган кўчма колониясининг бу бригадаси аъзоларини нафақат бошқаришда, ҳатто трестда ҳам иштирок этишмоқда.

— Бу ерда одамларимиз обдон тобиқанидир, — дейди бригадир, — К. Жамолов, У. Раҳимов, Р. Кавалчук, Д. Цой қабиладар даслабда ишга келганлариди қўлариди ҳунари йўқ эдилар. Коллектив уларни ўз бағрига олди: ҳунари ўргатди, маълумотларини оширди. Мана, энди уларнинг ўзлари усто. Захар Хайридинов, Николай Камченко, Журақул Амиров қаби тақрибани ишчилар билан бир сафда туриб, қурилиш суръатига суръат қўшмоқдалар.

— Ҳозирги кунгача қайси участкалар фойдаланишга тахт бўлган? — сўраймиз бригадирдан. — Қайси участкалар қолди, деб сўраг, уларни санаб бериш ўнғайроқ, — бригадир бизни пех томон бошлади.

Хедда агрегат ости майдончалари, пещ ва ёнидаги конвейер темир йўли тайёрланапти. Бетончилик кетидан монтаждар ишчи давом эттиришяпти. Икки пещ тўла монтаж қилиниб, тайёр ҳолга келтириб қўйилган. Атрофларга ўтинлар йиғиб қўйилган, бугун-эрта икки пещ ёқилади, қизганидан сўнг, газ уланади, бўлма, ғишлар ёрғилиб кетиши мумкин.

Термозониячилар ҳам шу ерда. Сувоқчилар чала ишларини битиришяпти. Шилда эса «Промвет» трести ходимлари ҳавонини қишнинг муътадиллаштириш ишларини бажаришмоқда.

Шундай бўлиши ҳам керак! Бинокорлар қўнғил олдига сўз беришган. Заводнинг янги корпусларини 25 апрелгача фойдаланишга топшириб, 1 Май байрамини ёрғиб ўзи билан кутуб оламини, деб қарор қилинган. Бинокорлар сўз бердики, албатта, бунинг устидан чиқишлари зарур. Шу ният билан улар астойдил ҳаракат қилишяпти...

Лекин ҳали қурилишда бажарилмаган ишлар анчагина. Яна икки пещи тайёрлаш, бир қанча ускуналар ўрнатилиши керак. Бу ишларни асосан «Союзлегмаш» ташкилотлари амалда олиради.

Ахвол шундай. Бинокорларнинг ютуғи ҳам бор, камчиликлари ҳам. Вақт эса кутуб турмайди!

Д. ОБЛАЕВ.



Тошкентдаги бадний буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг дўппи цехи коллектив ишчилари мусобақа пешқадамларидан ҳисобланади. У сўнги ойларида бирлашма кўчма Қизил Байроғини кўлда сақлаб келмоқда.

Наргиза Абдурахимова цех кўрсаткичлари ҳисобига ўзининг мўносиб ҳиссасини қўшаётган пешқадам ишчилардан. У ҳар кун 3500 — 4000 вафққа бўляпти.

А. Тўраев фотоси.

Маҳалла қувончлари
ва ташвишлари

Хашар
қўл келди

Маҳалламиз география тузилишига кўра пойтахтимизнинг энг чекка маҳаллаларидан бири ҳисобланади. Аҳолиси анча зич жойлашган. Маҳалла марказида магазин, ошхона, чойхона, маданият уйи ва «Союзпечать» кинотеатри олдига одамлар доим жамғура.

Январь ойида Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишга маҳалламизда олдидан тайёргарлик қилинди. Статистик маълумотларга кўра 1988 йил декабрь ойида Сергели районида аҳоли сонини 110 минг киши ҳисоблаган. Шу йил туғилган болалар сонини эса 2,5 минг киши қилган. Биргина маҳалламиз аҳолиси янгулланган йилда 55 кишига кўпайгани аниқланди.

Масалан, усмирлар ўртасида спорт ишчиболари сонини кўпайиб бораётгани биз учун қувончли бўлмоқда. Лекин бу ҳолинг ташвишли томони ҳам бор.

Кўндан бери маҳалламиз ёшларининг спортга муносабатлари тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар юради. Маҳалламизда спорт машғулотлари ўтказиладиган майдон йўқ эди. Пойтахтимизнинг «Меҳнат резервлари» спорт комплексида, Темир йўл институтининг «Локомотив» клубларида бориб, дзюдо, бокс, самбо, оғир атлетика, эркин кураш ва футбол секцияларига қатнашаётган ёшларимиз 36 нафарни ташкил қилади.

Улар маҳалламизда жойлашган Ўрта Осиё ирригация илмий-тектириш институтининг лабораторияси атрофида кўп йиллардан бери ташландиқ бўлиб ётган ярим гектардан ортиқ ерни тозалаб, спорт майдонини яратиш ташаббуси билан чиқадилар. Маҳалла активлари Т. Қўлқонова, В. Н. Масленниковлар бу хайри, ишчи астойдил қўллаб-қувватладилар. Чунки бу болалар учун ҳам, катталар учун ҳам айна мудоао бўлади.

Шунинг учун ҳам хайрли ишга астойдил киришилди. Майдонни тартибга келтириш район ижроия комитети раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди. Спорт майдонини яратиш учун 8 марта хашар уюштирилиб, унда кўп киши қатнашди. С. Собиров, Жовзот ва Шавкат Эгамбердиевлар, А. Исроилов, М. Назиров, У. Муталов, Ж. Муҳаммадиров, А. Қўлқонов каби спорт ишчиболари зўр иштиёқ билан меҳнат қилдилар.

К. Эгамбердиев, Р. Эгамбердиев, С. Муталова, У. Рафиков, Қ. Жураев, С. Раҳимовлар ёшларга ўрнак кўрсатишди. Стадион ўрни тозаланиб, тартибга келтирилган, спорт комитети вакилларида А. Тўрақўжаев, А. Лукин ва Д. Омонбоев ўртоқлар спорт буюмлари олишга амалий ёрдам бердилар. Биз бунинг учун уларга катта миннатдорчилигимизни билдирдик.

Фиркинча, шаҳримизнинг бошқа маҳаллаларида ҳам қатор ишларни ўз кучимиз билан бунёд этишимиз мумкин. Фақат юқори ташкилотлар «инструкция»ни пойлаб ўтираверилганда фойда йўқ. Ахир, бонинг азалли «хашар»ларимизни тиклаб, ўзимиз учун ҳаракат қилсак, бунинг нимаси ёмон?

Б. ОРИФХУЖАЕВ.

Сергели районидаги А. Навоий номида маҳалла комитети раиси.

ЖАҲОН
ШАҲАРЛАРИДА

КОБУЛ. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков бошчилигидаги совет делегацияси амалий визит билан қишанба кунини Кобулга келди. Делегация составида СССР молия министри Б. И. Гостев ва СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри К. Ф. Катусев бор. Тундан кейин делегацияни Афғонистон Республикасининг президенти Нажибулло қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет-Афғонистон иқтисодий, савдо-сотиқ ва молиявий муносабатларининг кўнгилма масалалари муҳокама қилинди. Совет томони миллий иқтисодининг ривожлантиришда ва мамлакат аҳолисининг турмуш шaroитини яхшилашда Афғонистон раҳбариятига бундан бўён ҳам зарур мадад бераверинишга тайёр эканини тасдиқлади.

САН-ФРАНЦИСКО. Совет-Америка савдо корхоналари учун бошқарув аппарати

кадрларини ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасида музокара олиб борувчи мутахассисларни биргаликда тайинлаш — Сан-Франциско давлат университетининг бизнес мактаби билан СССР Бутуниттифоқ иқтисодий жамияти ишлаб чиққан узоқ муддатли программанинг мақсадидир. Бу ерда улар имзолаган битим бошқариш муаммолари юзасидан мунтазам тарзда семинарлар ўтказиб бориш, олимлар ва мутахассис-практикларнинг СССР ҳамда АҚШдаги узоқ муддатли стажировкалари, илмий-тадқиқот ва таълим институтларига ташриф, бошқариш назарияси ва практикасининг долзарб муаммолари юзасидан биргаликда нашлаб тайёрлашни кўзда тутди.

Бизнес мактаби декани Артур Каннингэмнинг фикрича, бу программа Америка-Совет амалий ҳамкорлигининг тамоман янги йўналишига асос солиди ва бу кўшма корхоналар ташкил қилиш жараёнини кенгайтириш

ҳамда чуқурлаштириш учун жуда зарурдир.

Совет томонидан, деди Бутуниттифоқ иқтисодий жамияти раисининг ўринбосари В. Н. Красильников, программада студентлар, аспирантлар, турли олий ўқув юрталарининг профессорлари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг мутахассислари қатнашадилар.

ХОШМИН. Вьетнамнинг Дарлак вилояти аҳолиси хайриятига сотиб олинган беш тонадан кўпроқ қимматбаҳо тропик қишлоқ хўжалик маҳсулоти эзилладан жабрланган Арманистонга совға қилиб жўнатиш учун СССРнинг Хошминдаги бош консулликка топширилди.

ВАШИНГТОН. АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг иккита юк самолёти Америкадаги хусусий ташкилотлар тўплаган юкни Арманистонга олиб келди. Америка ҳарбий маҳкамасининг вакили вайронгарчилик келтирган эзилладан жабрланганлар ёрдам учун юк жўнатиш

юзасидан операциялар давом этаётганлигини таъкидлади.

ВЕНА. Австриянинг энг йирик газеталаридан бири бўлган «Курер» саҳифаларида сўнгги ойда Арманистонда «Австрия қишлоғи» деган сарлавҳа тез-тез кўзга ташланапти. Хозирнинг ўзидеёқ дастлабки мақсадга эришилди — Арманистондаги «Австрия қишлоғи»да 50 та ўқурилиш учун маблаг тўпланди.

ЛИССАБОН. Бу ерда Арманистондаги эзиллада жабрдийдаларига ёрдам фонди учун СССРнинг Португалиядаги элчихонасига 1 миллион эскудога чек топшириш маросими бўлди.

ДУБЛИН. Дублиндаги «Тейлор-гэзорли» картина галереяси билан «Ирландия — СССР» жамияти хайрия сонини олди савдоси ташкил қилди, бунда ирландиялик 80 дан зиёд rassомлар, ҳайкалтарошлар, дизайнерлар ўз асарларини тақдим қилдилар.

Санъат асарлари савдосидан тушган маблаг — 22

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

Диққат
марказда —
тежамкорлик

Тошкент тара ремонт корхонаси савдо ташкилотлари ва савоат корхоналаридан бўш яшиқлар, картон қутилар, ёғоч бочкаларини марказлашган ҳолда йиғиб олиб, уларни ремонт қилиш ва ярамайдиганларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Халқ хўжалигига қайтарилаётган ташкилотларнинг сифати ва миқдори Озиқ-овқат программасининг ривожланишига узвий боғлиқдир. Мухбиримиз ишлаб чиқариш техника бўлимининг мудири К. Қалоновдан шу қуларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

Биз асосан Болтиқбўйи республикаларига, Қозоғистонга ўширт маҳсулотлари учун яшиқлар ва бошқа жойларга турли хил таралар етказиб берамиз. Бундан ташқари республиканинг йирик озиқ-овқат, машинасозлик, асбоб-созлик корхоналари маҳсулотимиз билан узлуксиз, марказлашган ҳолда таъминлаб турилади. Масалан, Янгийўл «Лаззат» кондитер ва ёт-мой комбинатлари. Тошкент «Ўрток» кондитер фабрикаси, булка-кондитер комбинати, «Компрессор», подшипник ремонтни ва асбоб-созлик заводлари, шунингдек бошқа кўпжаз корхоналарга тара жўнатилапти. Корхонамиз бир йилда ўртача 16200 куб метр ёғоч ва 2 миллион 340 минг квадрат метр картоннинг ремонт қилса, 3 минг кубметр ёғоч ҳамда 850 минг квадрат метр картонни қайта ишлайди. Бундан ташқари 2000 кубметр янги ёғоч тара ҳам тайёрланадими.

Коллективимиз аҳил, белгиланган вазифаларини бажариш учун астойдил ҳаракат қилинади. Айниқса Жаҳвар Қайюмов раҳбарлик қилаётган Филиалимизда тежамкорлик алоҳида эътибор берилаяпти. Ремонт қилиш ва қайта ишлаш учун ярамайдиган картон қутилар чини-диндан маҳсулот ишлаб чиқариб, Тошкент чини заводи, тошхона ишлайдиган фабрика ва бошқа корхоналарга етказиб берилаяпти. Бу билан жами чиниқиларнинг 60 — 70 проценти ўзлаштирилиб, халқ хўжалигига катта фойда келтирилляпти.

Корхона қошида фаолият юритаётган «КИНО» кооперативни чиқитиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Яроқсиз ўтинларини майдалаш йўли билан олинган чиниқилдан девор панеллари тайёрланапти. Умуман, корхонамиз қайта ва чиқитиш ишлаб йўли билан бир йилда 6 минг кубметр ҳаммадан ёғоч материалларини иқтисод қилди, бир неча ўн гектарлаб ўрмонларни несишдан сақлашга хисса қўшиб келаяпти. Ишлаб чиқаришда ўрнак бўлаётган илгор ишчилардан Т. Ризаев, Д. Хасмонов, М.

Файёзов, А. Қодирова, В. Борисовларнинг номини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ишчи-хизматчиларнинг турмуши ва иш шaroитини яхшилашга алоҳида эътибор бераймиз. Барча ишчилар бир маҳал бепул иссиқ оқат билан таъминланган. Харажатлар корхона даромадидан олинади. Чимён тоғ бағрида ўзимизнинг дам олиш уйимиз бор. 45 ва куз ойларида 400—430 киши имтиёзли путёвка билан кўнгили ҳордиқ чиқариб қайтишляпти.

Корхонамизда муаммолар ҳам талайгина. Фонд бўйича ажратилган ёғоч, фанер ва бошқа материаллар ўз вақтида таъминланмапти. Шаҳардаги 3-автомобилат марказлашган ҳолда транспорт етказиб бериши керак. Лекин ажратилаётган машиналар доим нормадан 3—4 та кам бўлиб, ишимизда қийинчилик туғдираяпти. Шунга қарамай биз бор имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилиймиз.

Маҳсулотни қайта ишлаш оsonдек туюлади. Лекин бу мураккаб жараён. Тежамкорликка эришилмас экан, қувончли натижадан кўлга киритиб бўлмайди. Бунинг корхонамиз коллективини жуда яхши билишидир. Озиқ-овқат программаси бу борада ҳар биримизга катта масъулият юкляпти.

Суҳбатни С. ШОДИЕВ ёзди.

Бугунги кун тартибидagi масалалар илгари ҳам партия йиғилишларида қўйилган экан. Нега ўзгариш бўлмаяпти? — сўрайди факультет партия ташкилотининг секретари С. Иброҳимқўзаевдан.

Иқтисодий фанлар кафедраси билан ҳамкорликда планлар тузиб чиқдик. Ҳар ойда ётоқхонамизда давра ошли, шаҳримизнинг аjoyиб кишилари билан учрашувлар ўтказиш белгиланган...

Курук гап
қулоққа ёқмас

керак. Ётоқхоналарда ҳам, ўқув машғулотларида ҳам интернационал тарбияга эътибор бериш зарур. Айнан уларнинг ташаббуси билан ўтган йили — «Ёшлар ядро хавфига қарши» агитплактлари, деворий газеталар уюштирилиб, кўпчиликлка ҳавола қилинганди, «СССР — ягона уйимиз» деб номланган кечада ҳам бу студентлар ўрнак бўлдир.

Ҳўш, бу ташаббускор интернационал-жангчиларга ўқиб даврида қандай ғамхўрлик қўрсатиляпти!

Ф. ХУСАНОВА.



Х. Солиқов фотоси.

ЭЛЕКТРОН
ХИСОБЛАШ
МАШИНАЛАРИ
ТУРНИРИ

Америка Қўшма Штатларининг Иллиной штатида одатдан ташқари мусобақалар бўлиб ўтди. Уни электрон-хисоблаш машиналарининг чемпионати деб аташ мумкин. Унда энг тез ҳаракат қилувчи компьютерлар аниқланди. Конкурда 100 та электрон-хисоблаш машинаси иштирок этди. Уларнинг ҳаммаси чизикли тенгаламалар системасини ечиниш лозим эди. Мусобақа Америка компьютерларининг мутлақ афзалликларини кўрсатди: дастлабки ўш ўриндан тўқ кизтасини «Крей» фирмасининг машиналари эгалладилар. Япониянинг илгари энг тез ишлайди деб ҳисобланган энг мукаммал «вакили» — «Нек-СХ-2» компьютери ўш иқкинчи ўринни эгалладилар. Конкурс ғолиби — «Крой-УМР-832» компьютери масалага 0,004 секундда жавоб топти.

БАХТИЕР ОТА

Туркия аҳолисининг солин ш суръатда ўсишда давом этаверса келсан асрининг биринчи чоратиға келиб, унинг аҳолиси каминда икки баравар кўпаяди ва қарийб юз миллион кишини ташкил этади.

Республика

бўйлаб

Хушхиярлар

Нукус — ент автоомбил қўлдаётаётган қўлчиларини кўлда хоқ кечаси, хоқ киз булсин иссиқ қўқ, юқ нон, колбаса, асал бимехмон қила оладилар. Бунинг ҳаммаси Эскир Ишонбилан Усмон Айбобов мато кооперациясидан нима олган озиқ-овқат магазинбор. Магазин хўжайинлари дорларга доимо хушмуомил ва диққатэътибор бериш мўносabatда бўлишди. Бу ўсиш, афсуски, бизимизда шоҳобчаларимизда қач кам учрайди.

Ишнинг бичи ойнайдиқ ижарачилар Энг сўмлик пландайдиган Энг сўмлик кўп озиқ-овқатсўноти сотдилар. Коркўнчистон АССРда бу хозирчўндай магазинларнинг таъкисидир. унинг иш тартиб савдо хизматининг бўлимини кенг ривожлантири зарурлигини кўрсатапти.

Қиш ўртаси Сирдарёдаги Абай номидаги совхоз фермасида кўп сотиб олина бошлади. Бунда, Шерназаров бригадасозларининг ўз меҳнати тижаларидан моддий манфоларини катта роль ўйнади.

Бугунги кун ижарачилар турғуноҳа бўлган ҳам хизмат кўрсатади. Энди улар соғини ситирлявдасига фақат зотдор буларни танлаб олишлари му. Бу қадар оддий тадбироқ хашақдан самаралироқ эйданлиқиди, демаски, иккинчи қўшма даромад ола ёрдам беради.

Ҳозирги кунлариди Жомбой райи чўққачилиқ фермаларидиғиноворлар оқратининг хилмиллигини таъминлашга Самдидиғи Фонддан ташқари а янгиш билан шуғулланган хўжайин хисобидиғи за ходимлари ёрдам бериляпти. Тўғрисики ак, фонддан ташқари а деганимиз ошхоналардан иғиб келинаётган оқрат диққаридан бошқа нарсас. Унинг ҳар тоннасига идомумий оқратлаши қорсига беш сўмдан пул тити. Шунингдек, бир тонна 30 сўм тўлаб, ёғи олн сўт ҳам хариқ қилина Табиккии, хўжайинларга қа қимматроққа сотилади. Лекин бу иккала томон а ҳам фойдали бўляпти(орхонанинг маъмулдиғи хўрвожи ҳам мана шу фарқсобидаидир. Фермаларда а бу озуқа махсус қайта ишлангандин, чўққачлар ахши семиринишга эриш иқкинчи берапти.

Бизнинг зифамиз, — деди идора джорси С. Еремеев, фермабей районидаги ферма эмас, шу билан бирга пунгур ва Пастардором йонларидиғи фермаларга ҳам ёрдам беришдан иборат. Биз бир йилда 20 мингдан кўпроқ озуқа еиб бераймиз. Тўшган Ф хисобидан корхонамизни йағтираймиз.

Бухоро в. заводди ходимлари ўз ири билан «Шарбат» маъради ишлаб чиқариш учун а тайёрлаб, уни жикозлади. Бу хўжалик хисоби шенда дадил ишлаш учун хонада қилинган ишлар бири холос: шунингденги тозалаш қурилмаси ўрнида, шарбат ишлаб чиқаримияларидиғи фильтларьаштирилди. Узуи уруғи авари у чиқитган чиқариш панарди — эндиликда бошқорхоналарга сотиляпти. иали хисобига ўзидиғи ргарлигининг ўзи заводга ҳаққақ фойда берапти. Утган йили савдо тармоқлиғи а миллиондан зиёд шарбанка шарбат ва чимкили жўнатиладиган эди. пландашқари 140 минг сўмдан проқ фойда олинди.

[ЎЗАТГ]

КАЛЕЙДО
КОП

Мамлакатининг болали онларидиғи Уэнос рекордлар қайдиладан. Анонония агент Арзериу шаҳрида иқомат қилувчи Меме(Вуэни) «Медальон чемпи» деб атайдиган. Ана шунли ёш усулдонининг ўқитини хозир қирқ болақарбаламоқда.

ЭРКИН НИҚЛАР

Мадагаскарда онларларнинг 82 проци ўз никоҳларини идвалат муассасаларида да черковда қайд этади. Мадагаскар Демокит Республикаси Мил. халқ кенгашининг тирини билан бир гуруснололар олинб бор тақдиқотларининг эъслиқлиган натижаларини рақам келтириладиганин дашримиз учун тадтан тадқиқоти хиснувчи бундай аҳолининг неча сабаблари борб ёзади шу мўносabat билан «Мадагаскар три» газетаси. Жўмлад оролдиги кўпгина элар вакилларининг мўт аксарияти никоҳиниъзанавай қўрилишлар афзал қуради, қатор ам районда тариххорик топлан «эркин иғроқ» тахрибасига ам қилиб келинади.



Кулинг дўстлар,
умрингиз узоқ бўлади!
Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

№ 2 (27)

«Дахшати» тадбир

Интермедия

Кабинет деворида «Матлубот жамияти раиси» лавҳаси. Лавҳа остида раис. Куйроқда стол атрофидан тўрт-беш киши ўрин олган. Пойгадги стулда бир йигит деворга қарайди, мурабба ўтирибди. Унинг бўйи солиingan, кўзлари юмук. Турдаги кишилардан бири тик турган ҳолда куйиниб гапир-япти. У пойгадги йигитга дам-бадам хўмрайиб қараб қўяди.

Нотиқ: — Хуллас, буфетчимиз Тошматнинг ахлоқи муҳо-камга қўйилиб низоҳатда тўғри иш қилинди. Унинг меҳнат интизомини бузиши ва савдо маданиятини оёқости қили-ши борасида бу ерда ҳозир талай аччиқ гаплар айтилди. Бироқ, Тошматнинг кўмирхона оғзида қолбасаси билан учиб қолгани савдо ҳодимида батамом ёдидир. Тошматга нисбатан кескин чора қўришни, қамода вазифасидан бадарга қилиш-ни, боз устига қақшатқич жазога қўндаланг этишни таклиф қилмаган (ўтиради).

Ўтирганлардан бири: — Тўғри. Тошмат ботида дахшати тадбир қўлланмаса бўлмайди. Бошқалар: — Ҳақ гап. Сира-сира шафқат қилмаслик ке-рак. Дўзахга гўмдан бўлсин Тошмат! Бундай қабил махлуқ-ни оч балога гирифторм қилмоқ зарур. Тагин райПОмиз раи-си нима дейди Тошмат хусусида, билмадим.

Раис: — (ўриндан туриб). Мен нима ҳам дердим, Тошмат борасида. (тутатиб) Тошмат, Тошмат эмиш! Э, номини тилга ҳам олманглар ўша касофатнинг! Бизга фақат иснод келтир-япти. (юмшаб) Сўз экспедитор Усмоновга (ўтиради).

Усмонов: — (ўриндан туриб). Тошматнинг ярамас хатти-ҳаракатлари хусусида конкрет ва бакуват фикрлар ўртага ташланди. Унинг кўп ичиси, арақча сув қўшиб сотиши, вино-дан бир хўллам-ярим хўллам қилиб қилиши рост, албатта. Бунга ҳеч қайсизинг инкор этолмаймиз. Аммо (хомуш тор-тиб) бир гражданинг тақдирини ҳал бўлаётган қалбис паллада масалага бу тариқа юзаси ёндоғиш унчалик тўғри бўлмаса керак, дейман.

Ўтирганлар аста қимирлаб қўйишади. Бўйинини, пешонасини қилади. Томоқ қиршилади, йўталишади. «Хм, хм» деб қўйи-шади.

Усмонов: — (даврга кўз ташлаб олиб). Аввало, Тошмат инган бўлса, ишдан кейин ичган, ўзиникини ичган. (Овозини кўтариб) Қолаверса, кўмирхонада учиб қоладими, оstonага бели тарози бўлиб ётиб қоладими — бу ҳар бир пиянзиста-нинг иктири.

Ўтирганлардан иккитаси сапич ўрнидан туриб кетади.

Усмонов: — (Турувчиларга боқиб). Ҳа, майли (ўти-ради). Уларга ҳам гап қолсин.

Бирикчи турувчи: — (қизилиб). Чунки... яъни Тошмат ҳадди сиғиб, бизга андак эркаклик қилган. Йўқса, Тошмат тилло йигит...

Иккинчи турувчи: — (ҳажжонланиб). Ҳа, ҳа, олтин йигит аслида бошинг тошдан бўлгур Тошмат. Бебаҳо йигит (ўти-ради).

Раис: — Хўш, бу масалага касба-и союзи ташкилотини қандай қараркин?

Ташкилот раиси: — (ўриндан туриб). Мен мекстком раиси бўлатуриб бу жихатларини бошда ўйланган эканман. Чиндан ҳам арзimas камчиликларини учун тула-тузук бир одамни жарга юмалатиш адолатлики! Гаҳарга бергисиз йигитини! Йўқ! Қани бу ерда инсоф, қани одамгарчилик, қани инсон-парварлик! Тўғри, Тошмуҳаммад баъзан чакки йўлга қиярляпти. Яъни, интизомини онда-сонда бузаяпти. Ушанда ҳам кўнгли тортганда. Лекин оғиримизни енгли қиялтирми! Албатта, қиялтири! Шундай экан, коллектив шафқатидан, меҳри ва рағ-батидан нечук баҳраманд бўлмайди у, нечук!

Ўтирганлардан бири: — (гапни бўлиб). Йигит бўлсанг, шўх бўл, деган гап ҳам бор. Озгина эркаклиги учун чининдай беғубор дилига озар бериш қип-қизил розолатку! Гуманизм қаёқда қолди, меҳнат ахлоқи муҳаббат қаёқда қолди!

Раис: — (ўзича). Ҳа-я, нега Тошмуҳаммаддон тарикдай ҳам

келмайдиган шўхлиги учун тоғдай иктимой имтиёздан бе-бахра қоларкан! Ахир у нима бўлса ҳам душман эмас, ўзи-мизнинг одам-кули...

Мекстком раиси: — (баттар қизишиб). Тошмуҳаммаддон бизга эркаканимса, кимга эркаканиди? Унинг дуруст томони ҳам борми! Шубҳасиз бори Қидириса албатта топилади. Ай-ниқса, ўз вазифасига чексиз содиқ қолиб буфетда соатлаб типпа-тик туриши... Бу бориб турган фидокорлик, ўртоқлар!

Раис: — Ҳақ, рост. Демак, Тошмуҳаммаддон «золотой» йигит. Шундай. Бошқа ҳеч кимда «геп йўқми» Ундай бўлса гап тамом, мажлис ёпиқ. Ҳамма иш-ишга.

Экономист: — (тарқалиб кетаётган мажлис ахлига). Ҳой, биродарлар. Илгор ҳодимимизнинг хизматларини ҳўп ке-лиштириб мактасағу муносиб тақдиримасак... Бўеги неча пуддан тушади? (ўтиради).

Раис: — Э, ҳа тўғри айтди. Қани ўтирингларини (ўтири-шади).

Экспедитор: — Абдутошмуҳаммаддон қизгин ташаккур-га лойиқ.

Овозлар: — Ҳа, шундай, шундай. Ундан ҳам юқориқо-қа лойиқ. Ие, вой, қаҳрамонлигининг баҳоси қуруқдан-қуруқ «ташаккур» холосми? Бирорта телевизор, рангли телевизор берсак арзимайдими? Арзийди. Бироқ, рангли телевизорини бор-ку. Зарари йўқ. Бунисини ширақайф вақтлариде қўради-лар.

Раис: — Юз фоиз тўғри (Мекстком раисига) Узингиз шу-нақа деб дарвор келиштириб қарор ёзинг. Мекстком раиси: — Бақонидил. (ёзиб ўзатади). Мана, мар-ҳамат, қарор тексти тайёр.

Раис: — (овоз чиқариб ўқийди). «Матлубот жамияти раҳ-барларининг фавқуллода мажлиси қарор қилади: Тошмат Эшматовнинг савдо ҳодими ахлоқига зид қилмишлари учун вази-фасидан бўшатилиб, иши тергов...» Э, хўш бўшати... Тер-гов!

Мекстком раиси: — (бетоқат). Э, у олдинги қарорнинг ло-йҳаси эди. Орқасини ўқинг, тарқасини.

Раис: — Э, шунақами! Хўш, хўш. Мана, мана. Диққат би-лан эшитинглар. Қўшимча қилдиганлар бўлса кейин айтди. (ўқийди).

— Матлубот жамияти раҳбарларининг фавқуллода маж-лиси қарор қилади: «Абдутошмуҳаммаддон Эшмуҳамма-донлиевнинг йирик хизматларини тақдирлаб, ул табарруқ зотга сидқидилдан ташаккур эълон қилинсин ва бу баркамол инсон рангли телевизор билан мукофотлансин».

Йигилиш ахли бошини эгиб, кўзини юмиб ўтирган Тош-матга боқади.

— Табриқлаймиз Тошмуҳаммаддонли! Кўнгул бўлсин! Муборак бўлсин! Қойил, тасаддуқ! Офарин! — хитоблари янграйди. Шу он Тошмат ёнига эғдарилиб тушади. Табриқлов-чилар Тошматга ташлашади.

Ошхона мудирини: Вой омон бўлгур-эй. Ширингина кайф-лари бор эди. Муллабадтошмуҳаммаддонлининг. Юксак мукофотга севинганидан ҳажжонланиб кетдилар чамамда.

Раис: — Майли кўтариб диванга аста ётқизиб қўйинглар қимматли дўстиимизни, бироз роҳат қилисин. Ташаккурномани, телевизорни толи қайларини сал тарқаб, ўзларига келганла-ридан кейин тантанали равишда топшираемиз. (Тошматга бо-қиб). Қандигини ур, эй, мўтабар Муллабадтошмуҳаммад-донлиевой! Исмидангдан аканг айлангур Муллабадтошмуҳам-маддонлиевой!

Товушлар: — Баракалла азамати! Молодец! Сен билан ҳар қанча фахрлансанг оз, оламанда ягона ифтихоримиз! Минг ыанг, қордай оқ, нурдай пок, фариштасифат Муллабадтош-муҳаммаддонлиевой!

Анвар МУҚИМОВ,
Фаргона.



«Кўнги завқи». С. Маҳмадов фотозюди.

Корректор дафтаридан

- Бизини уйлантираётган муаммо.
- Ҳаваскорларнинг шерла-рига озор.
- Газ арбобларини.
- Турган театрда.
- Тарози малла.
- 8 шарт.
- Бўғилган кун.
- Факультет дақани.
- «Кампирлар сым ёқди».
- Мен севган пул.
- Мухтор СУЛАЙМОНОВ, ТошДУ студенти.

Боланинг тили ширин

Ҳайвонот боғида ухлаб ётган Ваҳодир. — Кечкурун зўрлаб едимокчи бўлган овқатингиз-ни сизга билдирмай мушуги-мизга берганим. Балки ўша ёқмагандир, ойи?

Дарс тайёрлаб ўтирган Ваҳодир хонада йиғлаётган тўрт яшар синглисига деди: — Вас қилсанг-чи, йиғлаёв-риб қулоқ-мияни ёл юбординг-ку!

— Сенга эмас, ошхонада ойимлар эшиткилар, деб йи-глайман!

С. СИРОЖИДИНОВ.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕЛЕАТЕЛЬБЕДА

(ҲАЖМИЯ)

«Зангори экран» устаконаси. Ҳар томонда турли маркадаги телевизорлар қалашиб ётипти. Шогирд бола бир телевизорни очиб қавлаштиряпти. Икки йигит столда оёқларини осил-тириб ўтирибди. Яна иккитаси ёнбошлаб ётипти. Ҳаммасининг оғзида синаётди. Устаконанинг ичи туттуна тўлган. Бурчадаги телевизорда футбол ўйини кўрсатиляпти. Овози баланд.

— Ассалоғу алайкум, бола-ларим. Шу телевизоримиз ишламайпти.

Йигитлардан бири телевизор овозини пасайтиради.

— Нима дедингиз, кампир-шо!

— Телевизоримиз ишлама-япти.

— Телевизор ишламайди, кўрсатади.

— Телевизоримиз бузуқ, тузатиб берсаларинг дедим.

— Қани телевизор!

— Уйда.

— Олиб келмайсизми!

— Вой болам-е, мен кўта-ролмаман-да.

— Кўтаролмайдиган одам телевизор кўриб нима қилади. Телевизор ўзингиздақа қари-ми, ёшим!

— Вой боласи тушмагур-е, эманг тенг одам билан ҳазил-лашасанми!

Усталардан бири, сочлари елкасига тушган яқин келиб кампирнинг орденларини уш-лаб кўрди.

— Буларини қаердан олган-сиз, эна!

— Урушда, болам, урушда. Нега қиз бола жонинг билан чексан!

— Ҳаммалари қаҳ-қаҳ отиб тиз-залирига уриб қулишди.

— Бу қизмас, Боря, энажон, — деди уста.

— Вой, кечир болам. Мен сочингини кўриб...

— Орденларини немисларни шапалоқ билан уриб олганим-сиз, ё ёҳой худой гўрнингда тўнғиз қопгур! деб қарғабим! — деди уста.

Кампирнинг жаҳли чикди, кўнлари қалтираб, лаблари уч-ди. Ҳасса билан сочи ўстан йигитнинг бўйинига туширди.

— Милтиқининг кўндоғи би-лан мана шунақа қилиб савал-лаб олганман. Билдингми! Одобсизлар, Сенлар нега иш пайтда ётибсанлар. Қани кат-таларга ҳурмат! Бу ер ишхона-ми, ё катта ҳолаини ҳовлиси-ми-а!

Кампир ёнбошлаб ётган-ларини ҳам савалай кетди. Ҳаммалари дод солиб бурча-ка тикилишди. Сочини ўсгани бўйинини ўқалайди.

— Бу кампир қаратқимас-ми!

Шу пайт келишган бир жу-вон кирди. Кампир билан кучоқлашиб кўришади.

— Вой Адолат эна, ахшми-сиз, омонсиз! Улнингиз милли-ция бошлиғи бўлипти деб эшитиб бошим омонга етди. Ёлғиздан кўрсин, деб суюн-дим.

— Раҳмат, раҳмат. Узингиз омонимсиз, — сўрашди кампир. — Бу ерда нима қилиб юриб-сиз! — сўради аёл.

— Телевизоримиз кўрсатма-япти. Ўғлим командировкага кетувди. Келгунча тузаттириб қўйай дедим. Мана бу йигит-лар олиб келинг дейишляпти.

— Вой йигитлар, уят бўла-ди-я. Биласизларми бу қил-нинг омаси! Миллиция бўлими бошлиғи майор Мухтор Со-лиевичнинг оналари-я, — деди аёл.

Йигитлар ҳайратда бир-бирларига қарашди. Кампир аёл билан хайрлашиб ташқари чикди. Йигитлар ҳам кампир-га эргашди. Катта уста йигитларга юзланди:

— Кампир дарозадан кир-тимаса, девордан ошиб ту-шиб бўлса ҳам телевизорини тузатиб келингллар. Бўлмаса кўрадинганингиз кўрсанлар.

Тўхташ АШУРОВ.

Реклама ва эъллар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОИИДА
5 ФЕВРАЛЬ СОАТ 18.00 да

«Дўстлик тароналари»

УЙҒУР АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА: уйғур ва ўзбек халқ классик ҳам-да замонавий қўшиқлари.

Билетлар В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўст-лиги саройи кассаларида ҳар кун соат 14.00 дан бос-лаб сотилмоқда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ

ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

10 февраль соат 19.30 да,
11, 12 февраль соат 16 ва 19.30 да

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД»

ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

(Янги программа)

Ансамблнинг бадий раҳбари — БАҲРОМ АБДУЛ-ЛАЕВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилмоқда.

ПЕПСИ-КОЛА

СИЗНИ ТЕТИКЛАНТИРАДИ

Бу ёқимли, кўприб турувчи ичимлик барча-нинг эътиборини қозонганлиги бежиз эмас. Фақат уни совутилган ҳолда ичиш лозимлигини унутманг.

Пепси-колани Қибрай чанқовбосди ичимликлар комбинати ишлаб чиқармоқда.

У озиқ-овқат магазинларида, шунингдек, «Ором» фирмаси магазинида сотилмоқда.

Бир шиша пепси-коланинг баҳоси — 45 тийин.



Қибрай чанқовбосди ичимликлар комбинати.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чи-қариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАМОНЛАШ ВА
КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА
ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ

«КАЗАХСТАНСТЕХМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 44-СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ (Водпрм-44) ИХТИСОС-ЛАШГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИГА:

электр монтажчилар, газ-электр пайвандчилар, экс-каваторларнинг машинистлари, ҳайдовчилар, труба ётқиз-гичларнинг слесарь-сантехниклари, вентиляциячилар, буль-дозер машинистлари.

Меҳнатга ишбай-мукофот тариқасида ҳақ тўланади. Ишнинг қатнов хусусияти ҳисобга олинган ҳолда тариф ставкасининг 30 проценти ҳажмида қўшимча ҳақ тўлана-ди. Йил якунига кўра мукофот берилади (13-маош), шу-нингдек кўп ишлаганини учун бир йўла мукофот пули ҳам берилади (14-маош).

11 ой ишлагандан сўнг ходимларга ўзи ва қарамо-нидаги бошқа бир киши билан бирга поездларда бепул юриш ҳуқуқи берилади.

Маълумотлар ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Ленин район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими, Т. Шевченко кўчаси 64-уй.

НАВОЙИ НОМИДА ҲАМОНЛАШ
ДАВЛАТ АКАДЕМИ ДРАМА
ТЕАТРИДА — 1/II Боғча-
роғи фонтани, 2/II Оловли
фаришта, 3/II да қар.

ҲАМЗА НОМИДА ҲАМОНЛАШ
ДАВЛАТ АКАДЕМИ ДРАМА
ТЕАТРИДА — 1/II Наҳот
истаб, 2/II да Қорин, 3/II да
Тақдир эшиги.

МУҚИМ НОМИДА ҲАМОНЛАШ
ДАВЛАТ АКАДЕМИ ДРАМА
ТЕАТРИДА — 1/II Сўнмас
аланга, 2/II да Анимининг
эри, 3/II да Тошба ошқ.



1 ФЕВРАЛЬ

БАДИЙ ФИЛЛАР:
Санаат саройи—НГ-КОНГ
ТИРИК (катта зал, 0; кичик
зал, 17, 19, 30).

Чайка—«КИНГ-К» (18, 30,
21, 00).

Ветан — «МЕНИ-ИСМИМ
АРЛЕКИНО» (18, 30, 45).

Восток — «МЕН-ИС-
МИМ АРЛЕКИНО» (18, 30,
20, 00).

Тошкент Совети 30 йил-
ли — «ОНУНДИ УҒРИ-
ЛАР» (18, 30, 21, 00).

Қозоғистон — НГ-КОНГ
ТИРИК (17, 18, 20, 00).

Москва — «УЧ ШКЕТЕР
МИСОЛИ» (18, 30, 21, 00).

ВЛКСМ 30 йилли — «МЕ-
НИНГ ИСМИМ «КИНО»
(20, 00).

Дружба — «ТУРҒАЙНИ»
(20, 20, 30); «МЕНИ-ИСМИМ
АРЛЕКИНО» (18, 30, 00).

Тинчлик — «ҚА, ЕҒ,
ЕМҒИР» (18, 30, 21, 00).

К. Ерматов номли «ФИТ-
НАЧИЛАР УЮШМА» (17,
19, 21, 00); «УЧ ШКЕТЕР
МИСОЛИ» (18, 30, 21, 00).

2 ФЕВРАЛЬ

БАДИЙ ФИЛЛАР:
Санаат саройи «КИНГ-
КОНГ ТИРИК» (ке зал, 11,
12, 30, 16, 18, 30; кич зал, 12,
14, 30, 17, 19, 30).

Чайка — «КИНГ-К» (11,
13, 30, 16, 18, 30, 21, 00).

Ветан — «МЕНИ-ИСМИМ
АРЛЕКИНО» (11, 13, 16, 18, 30,
20, 45).

Восток — «МЕНИ-ИСМИМ
АРЛЕКИНО» (11, 30, 16,
18, 30, 21, 00).

Тошкент Совети 30 йил-
ли — «ОНУНДИ УҒРИ-
ЛАР» (11, 13, 30, 16, 18, 30,
21, 00).

Қозоғистон — «НГ-КОНГ
ТИРИК» (11, 12, 14, 17, 18,
20, 21, 00).

Москва — «МЕН-ИС-
МИМ АРЛЕКИНО» (16, 00);
«УЧ ШКЕТЕР МИТИ» (11,
13, 30, 18, 30, 20, 40).

ВЛКСМ 30 йилли — «МЕ-
НИНГ ИСМИМ «КИНО»
(11, 13, 30, 20, 00).

Дружба — «ТУРҒАЙНИ»
(11, 12, 15, 20, 20, 30); «МЕНИ-
ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17,
18, 00).

Лисувон номли «МЕНИ-
ИСМИМ АРЛЕКИНО» (13, 30,
16, 18, 30, 21, 00).

Тинчлик — «ҚА, ЕҒ,
ЕМҒИР» (11, 13, 30, 18, 30,
21, 00).

К. Ерматов номли «ФИТ-
НАЧИЛАР УЮШМА» (11,
13, 15, 17, 19, 21, 00).

АВТОМАТ-ЖАВОБЕРУВЧИ
ТЕЛЕФОНЛАР:

С. Раҳимов нои — 48-
46-71.

Ўзбекистон ССР йиллиги
номли — 53-65-87.